

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ



ТАБИЙ БИРИКМАЛАРДАН
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА
Фойдаланиш ИСТИҚБОЛЛАРИ
(хорижий мутахасислар иштирокида)



РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИ
МАТЕРИАЛЛАРИ

2018 йил 25-26 май

Профессор Д.Н. ДОЛИМОВнинг 70 йиллигига бағишланади

(2018 йил 25-26 май)

ГУЛИСТОН-2018

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**ТАБИЙ БИРИКМАЛАРДАН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА
ФОЙДАЛАНИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

(хорижий мутахассислар иштирокида)

МАВЗУСИДАГИ

Республика илмий - амалий анжумани

материаллари ТЎПЛАМИ

Профессор Д.Н. ДОЛИМОВнинг 70 йиллигига бағишланади

2018 йил 25– 26 май

ГУЛИСТОН-2018

Самараси (E-effekt)-

Ушбу мақсадга кришиш узоқ кутилган қандай самарага олиб келади.

Талабаларга тайёрланиш учун вақт белгиланади, тайёр бўлган микрогуруҳдан бошлаб сўралади. Фаол қатнашган ва тўғри жавоб берган талабалар рағбатлантирилади.

Агар педагогик технологияни қўллашда илмий асос ва қафолатланган натижа бўлмас экан, бундай технологиялар оқибати шахс камолати, таълим тизими ва жамиятнинг юксалишига тўғанок бўлаверади. Узлуксиз таълимда экологик билимлар, экология фанидан мустақил ишларни ташкил этишда, бир вақтнинг ичида бир неча кишини баҳолаш имконини беради, талабаларни мустақил фикрлашга ундайди. Бу методдан фойдаланиш на фақат олий ўқув юртларида, балки мактаб ва академик лицей ва коллежларда экология фанини ўқитишда дарс жараёнида “SCORE” методидан фойдаланиш ўз самарасини беради деган фикрдамиз ва ушбу методдан фойдаланишни тавсия этамиз.

ФИЗИКА ЙЎНАЛИШИ ТАЛАБАЛАРИГА КИМЁ ФАНИНИ ЎТИШДА “АТОМ ТУЗИЛИШИ” МАВЗУСИНИ СЕМИНАР МАШГУЛОТИДА ГЛОССАРИЙ ТРЕНИНГ МЕТОДИ АСОСИДА ЎТИШ.

Акбарова М.Т.

ЎЗМУ

Инновацион технология – ўқитиш шакллари оптималлаштириш мақсадида ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнида инсон салоҳияти ва техник ресурсларни қўллаш, уларнинг ўзаро таъсирини аниқлашга имкон берадиган тизимли методлар мажмуасидир.

Инновацион технология – таълим жараёнининг самарадорлигини ошириш мақсадида ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнида ўқитувчининг педагогик ва талабаларнинг билиш фаолиятини уйғун равишда ташкил этиш, мазкур фаолиятни фаоллаштириш мақсадида, самарали ўқитиш методлари, воситалари ва шакллари қўллаш, уларнинг ўзаро таъсирини аниқлашга имкон берадиган тизимлар мажмуасидир.

Талабаларга физикадан таълим-тарбия бериш асосида уларни фанга бўлган қизиқишини ошириш, физик тафаккури ва мантиқий фикрлашини ўстиришда янги педагогик технологиялар катта аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан, янги педагогик технологиялардан фойдаланиш дарс самарадорлигини оширишда ижобий натижалар беради.

Бизга маълумки, фаннинг ҳар қандай соҳасида мавзуга оид таянч иборалар ва тушунчаларнинг изоҳли лугати (гlossарий) мавжуд, буларни билмасдан ўқув материални ўзлаштириш мумкин эмас.

Таянч иборалар ва тушунчаларни ёдлаб қолиш ва гапириб беришнинг энг самарали усулларида бири - гlossарий тренингидир. Гlossарий тренинг - ўқув машгулотининг таркибий қисми, унинг мақсади ўтилган ўқув материални ва ҳар бир мавзусига ёки бобга оид билимларни чуқурроқ мустаҳкамлашдир.

Қўйилган мақсадга эришиш учун кимё фанларидан ўқув дастуридаги мавзуларнинг режаси ишлаб чиқилади ва шу режа асосида мавзуга оид гlossарий тренинглари лойиҳаси тайёрланади.

Ҳар бир мавзуга оид битта гlossарий тренинги ишлаб чиқилади, бунинг учун шу мавзуга таллуқли изоҳли ва таянч сўзлар рўйхати тайёрланади. Тренингда талабаларга ўқув дастуридаги мавзулар кетма-кетлигига риоя қилган ҳолда изоҳли сўзлар рўйхати берилади. Бунда ҳар бир сўзга бир нечта изоҳ келтирилади, талаба эса тўғри изоҳни танлаб олади. Масалан, Физика йўналиши талабаларига кимё фанини ўтишда “Атом тузилиши” мавзусини семинар машгулотида гlossарий тренинг методи асосида ўтидик. У қуйидагича амалга оширилади.

1. Атом - мусбат зарядланган атом ядроси билан манфий зарядланган электронлардан таркиб топган электронейтрал заррачадир

1. Атом - мусбат зарядланган атом ядроси билан мусбат зарядланган электронлардан таркиб топган электронейтрал заррачадир

2. α - заррача - мусбат зарядга эга бўлган заррача бўлиб, унинг массаси 4 углерод бирлигига тенг, тезлиги 20000 км/сек, гелий атомидан иборат

2. α - заррача - манфий зарядга эга бўлган заррача бўлиб, унинг массаси 4 углерод бирлигига тенг, тезлиги 20000 км/сек, гелий атомидан иборат

3. Атом тузилишининг ядро назарияси - бу назарияга мувофиқ атом марказида мусбат зарядли ядро жойлашган бўлиб, унинг атрофида электронлар ҳаракат қилади. Атом таркибининг мусбат зарядли қисмини инглиз олими Э. Резерфорд алфа - заррачаларнинг тарқалишини ўрганиш натижасида кашф этди ва 1911 йилди атом тузилишининг ядро назариясини таклиф қилди.

3. Атом тузилишининг ядро назарияси - бу назарияга мувофиқ атом марказида манфий зарядли ядро жойлашган бўлиб, унинг атрофида электронлар ҳаракат қилади. Атом таркибининг мусбат зарядли қисмини инглиз олими Э. Резерфорд алфа - заррачаларнинг тарқалишини ўрганиш натижасида кашф этди ва 1911 йилди атом тузилишининг ядро назариясини таклиф қилди.

4. β - заррача - манфий зарядга эга бўлган заррача бўлиб, унинг ҳаракат тезлиги 100000 км/сек га тенг. Бу нур тез ҳаракатдаги электронлар оқимидан иборат.

4. β - заррача - мусбат зарядга эга бўлган заррача бўлиб, унинг ҳаракат тезлиги 100000 км/сек га тенг. Бу нур тез ҳаракатдаги электронлар оқимидан иборат.

5. Бош квант сон - айна орбиталнинг энергияси унинг ядродан узоқ ва яқинлигига қай тарзда боғлиқ эканлигини тавсифлайди ва электрон энергиясининг катталигини кўрсатади. Бу тушунча фанга дастлаб 1913 йилда Нилс Бор томонидан киритилган.

5. Бош квант сон - айна орбиталнинг энергияси унинг ядродан узоқ ва яқинлигига қай тарзда боғлиқ эканлигини тавсифлайди ва электрон энергиясининг катталигини кўрсатади. Бу тушунча фанга дастлаб 1913 йилда Нилс Бор томонидан киритилган.

6. γ - нур - зарядсиз заррача бўлиб, худди рентген нурига ўхшаб электр магнит тўлқин хоссасига эга. У жуда қалин металл пластинкасидан ҳам ўтади, электр майдонида огмайди. Ўзининг табиати жиҳатидан ёруғлик нурларига ўхшайди, лекин тўлқин узунлигининг жуда кичиклиги билан ундан фарқ қилади.

6. γ - нур - зарядсиз заррача бўлиб, худди рентген нурига ўхшаб электр магнит тўлқин хоссасига эга. У жуда қалин металл пластинкасидан ҳам ўтади, электр майдонида огмайди. Ўзининг табиати жиҳатидан ёруғлик нурларига ўхшайди, лекин тўлқин узунлигининг жуда катталиги билан ундан фарқ қилади.

7. Магнит квант сон - электрон орбиталларнинг фазодаги вазиятини характерлайди, унинг қийматлари - l дан $+l$ гача бўла олади, нол ҳам бўлиши мумкин. Магнит квант сон айна энергетик қобикда неча хил орбитал бор эканлигини, орбиталларнинг шаклини кўрсатади.

7. Магнит квант сон - электрон орбиталларнинг фазодаги вазиятини характерлайди, унинг қийматлари - l дан $+l$ гача бўла олади, нол ҳам бўлиши мумкин. Магнит квант сон айна энергетик қобикда неча хил орбитал бор эканлигини, орбиталларнинг шаклини кўрсатмайди.

8. Нейтрон - зарядсиз заррача, ядро таркибида бўлади, унинг массаси 1,0087 м.а.б. га тенг.

8. Нейтрон - зарядли заррача, ядро таркибида бўлади, унинг массаси 1,0087 м.а.б. га тенг.

9. Радиоактивлик ҳодисаси - ўз - ўзидан нурланиш ҳодисасидир. Бу ҳодисани чуқур ўрганиш шуни кўрсатадики, баъзи радиоактив элементлар α - нурлар, бошқаси β - нурлар, айримларидан гамма - нурлар ҳам чиқади

9. Радиоактивлик ҳодисаси - ўз - ўзидан нурланиш ҳодисасидир. Бу ҳодисани чуқур ўрганиш шуни кўрсатадики, баъзи радиоактив элементлар α - нурлар, бошқаси β - нурлар, айримларидан гамма - нурлар чикмайди.

Шунда ўқитувчи талабалар билимини глоссарий тренинглардан фойдаланиб баҳолайди ва улар томонидан кимё фанини янада чуқур ўзлаштириш учун замин яратади. Натижада ўқув жараёнининг самарадорлигини ошишига эришилади.

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЎҚИТИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАР

Бийтўраева К., Нуриев К.К.,

ГулДУ

Таълим тизимини такомиллаштиришда яъни таълим тизимининг янги моделларини яратишда ахборот ва телекоммуникацион технологияларнинг роли жуда катта эканлиги тажрибалар асосида тўла тасдиқланган, зеро Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисидаги” қонуни, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да таълим жараёнига замонавий-ахборот ва телекоммуникацион технологияларни тадбиқ этишга жуда катта эътибор берилган.

Гулистон давлат университети ўқув жараёнида янги технологиялардан фойдаланиш-педагогик усулларни янада такомиллаштириш, профессор-ўқитувчиларнинг иш услубини сифат жиҳатида ўзгартириш ва педагогик тизимда тузилмавий ўзгаришларни амалга оширишга имконият яратади. Шуларнинг барчаси педагогик жараённи ташкил этиш ва бошқариш бўйича ўзига ҳос масалаларни кўйишга ва уларнинг мақбул ечимларини қидиришга олиб келади.

Ўқув жараёнини шундай усулда бошқаришнинг характерли жиҳатларини очиш учун, асосий педагогик усулларни тавсифласак. Замонавий компьютер ва телекоммуникацион технологияларга асосланган ўқитиш усулларида бири бўлган ва айниқса мустақил таълимда муҳим аҳамиятга эга бўлган усулларини кўпроқ таҳлил этайлик. Чунки, таълимда замонавий технологияларни қўллашда ўқитишни индивидуаллаштириш ва талабаларнинг мустақил таълим олишига асосий эътибор қаратилади.

Мустақил таълим усуллари замонавий ахборот технологияларнинг такомиллашиши билан янги босқичга кўтарилади ва анъанавий таълим тизими мазмунини тубдан ўзгартиради. Замонавий технологиялар асосида амалга ошириладиган мустақил таълим манбалари куйидаги воситаларга асосланган.

- ахборот ресурс манбаларини электрон нашрлари
- компьютер ўқув тизимлари
- аудио-видео ўқув ресурслари
- электрон дарслик ва ўқув қўлланмалари
- электрон ўқув услубий мажмуалар
- электрон журналлар
- компьютер тармоқлари воситасида бериладиган ўқув материаллар ва вертуал лаборатория ишлари.

Шуни таъкидлаш жоизки, янги таълим тизимида компьютер тармоқлари воситасида мустақил таълим учун бериладиган ўқув ресурслари алоҳида аҳамиятга эгадир. Чунки талабалар ички локал тармоқ ва зиёнет, интернет орқали жуда кўп АРМлар каталоглари хизматидан фойдаланишлари мумкин.

Замонавий компьютер ва телекоммуникацион технологияларга асосланган таълим тизими мазмунан анъанавий таълим тизимидан тубдан фарқ қилади. Шу туфайли профессор-

Ф.Ш. АЛТМИШЕВ., И.РАХМОНОВ. Ўсимликларни коллектор – зовур сувлари билан сугорилганда “тупроқ - ўсимлик” тизимида содир бўладиган жараёнларни ўрганиш. (ГулДУ)	242
БАЗАРОВА Р.Ш., АБДУРАСУЛОВА С.Ш., АДИЛОВА М. Шўрадошлар оиласининг манзарали вакиллари ва улардан фойдаланиш самарадорлиги. (ГулДУ)	243
Л.КАРШИБАЕВА, З.МАДРАҲИМОВА, ЭШМУРОДОВ Ж. Саноат ва транспорт экотизимларининг табиат муҳофазасидаги вазифалари. (ГулДУ)	245
ОДИЛОВА М., БАЗАРОВА Р.Ш. Сирдарё вилоятида тарқалган шўрадошлар оиласининг манзарали вакиллари ва улардан фойдаланиш самарадорлиги. (ГулДУ)	246
Н.А.АБЛАКУЛОВА., К.М.ИСМАИЛОВА., Г.Қ.АБДУШУКУРОВА., Ж. РАХМАТОВ. Табиий бирикмалар ёрдамида ўсимликларнинг ўсиш – ривожланишида экзоген омиллар таъсирини бошқариш. (ГулДУ)	248
МУСУРМАНОВ А.А, ҚУРВОНТОЕВ Р., ЎРОЗБОЕВ И.У, ЖАПАҚОВ Н.Б. Гўза ва бугдой ўсимлиги таркибидаги азот микдорининг ҳосил бўлишида мулча ва тупроқга кам ишлов беришнинг таъсири. (ГулДУ)	249
АБДУРАСУЛОВА С.Ш. Иссиқхона ўсимликларига таъсир этувчи биотик омиллар. (ГулДУ)	252
И.А.РАХМОНОВ, Н.С. УМИРОВ. Тог олди худудларида сифатли мева етиштиришда тупроқ кимёвий таркибини бойитишнинг айрим имкониятлари. (ГулДУ)	254
С. ТҲТАМИШЕВ., Д. КИМ. Фосфорорганик инсектоакарицидлар ва махсус акарицидларни сарфлаш меъёрлари. (ГулДУ)	256
С. ТҲТАМИШЕВ., И. РАХМОНОВ. Ҳимоя қилинадиган ўсимликларга пестицидларни таъсири. (ГулДУ)	257
С.ТҲТАМИШЕВ., И.РАХМОНОВ., УММАТОВ Б. Ўсимликларни ҳимоя қилишда биотехнология. (ГулДУ)	258
ТО’НТАМИШЕВ S, ХУДОЙҚУЛОВА N. Тупроқ хоссаларига органик о’ғ’итлар қо’ллашнинг та’сири. (ГулДУ)	259
ВОВОҲОРОВА N.S. G’o’za tarkibidagi biologik faol organik birikmalarni seleksiya sohasida qo’llash orqali yangi g’o’za navlarini yaratish. (SamQXI)	260
ВОВОҲОРОВА N.S. Biologik faol birikmalarni qayta ishlash orqali yangi dorilar sintezi. (SamQXI)	261
Н.Б.ЖАПАҚОВ. Сув камчил шароитида коллектор зовур сувларидан фойдаланиш (ГулДУ)	264

6- ШҲЪБА. ТАБИЙ ФАНЛАРНИ ҲКИТИШДАГИ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР

У.К.АБДУРАХМАНОВА, И.А.АБДУРАХМОНОВ О.А.ЭРМАТОВА. Бугунги кун таълим жараёнига қўйилаётган талаблар. (ГулДУ)	266
¹Ш.Қ.ТОШБОЕВА, ¹У.К.АБДУРАХМАНОВА, ²АЛЛАНИЯЗОВА М.К. Интерфаол методларнинг кимё фанларини ўқитишдаги ахамияти. (ГулДУ) (ККДУ)	268
N.O.UMIROVA, O’Q.ABDURAXMONOVA Fosfor va uning birikmalari mavzusini inovatsion texnologiyalar yordamida o’qitish GulDU	270
М. АЛЛАМУРАТОВ, Р.БАЗАРОВА, С. ДАДАЕВ. Узлуксиз таълим тизимида экология фанини ўқитишда “SCORE” методидан фойдаланиш. (ГулДУ)	272
АКБАРОВА М.Т. Физика йўналиши талабаларига кимё фанини ўтишда “атом тузилиши” мавзусини семинар машгулотида глоссарий тренинг методи асосида ўтиш. (ЎЗМУ)	274